

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҲОЛИБЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим! Қадрли устоз ва мураббийлар!
Барчангизни футбол бўйича Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осие чемпионати финал ўйинида гоёт оғир ва ноқулай об-ҳаво шароитида том маънода матонат ва жасорат намунасини намойиш этиб, голибликни қўлга киритганингиз билан ўз номидан, кўп миллатли халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Сизлар қўлга киритган мислсиз бу ғалаба бутун халқимизга чексиз қувонч бағишлаб, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшади.

Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жасур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фахрланади.

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жонажон Ўзбекистонимизнинг шон-шухратини дунёга тараннум этишда доимо ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мухтарам Президент!
Сизга ва Ўзбекистон халқига футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Хитойда ўтказилган Осие чемпионатида мамлакатингиз терма жамоаси голиблик билан муносабати билан ўзимнинг самимий табриқларим ва энг яхши тилақларимни изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Марказий Осие минтақасидан биринчи бўлиб Осие чемпионати голиблигига эришган мамлакатингиз жамоаси аъзоларининг бутун мусобақа давомида матонат ва жасорат намуналарини кўрсатгани мақтовга лойиқдир.

Мен ишонаманки, ушбу футболчилар яқин келажақда Ўзбекистон футболни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди ва мамлакатингиз ҳамда бутун Осиенинг гуруҳ-ифтихорига айланади.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг саясий-ҳаракатлари билан ўзбек футболни янада юксак поғоналарни забт этишига шубҳа қилмайман.

Сизни ишонтириб айтаманки, мафтунок мамлакатингизда футболни янада ривожлантириш ва тарғиб қилишни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Самимий тилақлар билан,
Салмон бин Иброҳим ал-ХАЛИФА,
ОФК президенти,
ФИФА вице-президенти

ҚАШҚАДАРЁ: АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28 январь куни Қашқадарё вилоятига келди.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида Қашқадарё вилоятининг ўрни катта. Вилоятда 50 йриқ саноат корхонаси, 57 қўшма корхона, 14 минг 960 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, 20 минг 333 фермер, 19 минг 917 деҳқон хўжалиқлари фаолият юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан зарур топшириқлар берган эди. Ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида вилоятда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги қувватларни ишга туширишни кўзда тутувчи кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Вилоятда 2017 йил ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 17 триллион 366 миллиард сўмни ташкил этди. Бандлик дастури доирасида 70 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 2 минг 711, жумладан, саноатда 776, хизмат кўрсатишда 1 минг 115 ва қишлоқ хўжалиги йўналишида 820 та лойиҳа амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Яккабоғ туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва қadoқлашга ихтисослашган "Дармон шарбати" корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Қашқадарё замида етиштирилган, кўш нурига тўйинган, унумдор ва баҳаво ҳудудларда

пишиб етилган сархил ноз-неъматлар гоёт мазали ва фойдали дармондориларга бой бўлади. Шу боис бундай маҳсулотлар юрти-мизда ҳам, хорижда ҳам бирдек харидордир.

"Дармон шарбати" корхонаси 2017 йил август ойида ишга туширилган. Бу ерда кунига 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий, энергиятежамкор ускуналар бир кеча-кундузда 20 тоннагача мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Асосан олма, ошқовоқ ва сабзи шарбати тайёрланмоқда. Келгусида узум, анор ва бошқа қатор сабзавот маҳсулотларини ҳам қайта ишлаб, шарбат тайёрлаш кўзда тутилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёни билан танишди. Бу ерда жорий қилинган замонавий технологиялар самарали иш жараёни ва юқори сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминламоқда. Мева-сабзавотларнинг табиий хусусиятлари сақлаб қолинган тайёр маҳсулот 1,5 ва 3 литрли махсус идишлар – аксептик пакетларга қadoқланади. Корхона ишчилари касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

Корхонанинг табиий шарбатлари чет эллик харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда россиялик ҳамкорлар билан экспорт келишувларига эришилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда бу каби корхоналарни кўпроқ ташкил этиш, замонавий технологияларни ўлаштирган ёшларни тарбиялаш лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун Қашқадарёда имкониятлар

ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида 2018-2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди.

Китоб туманидаги "East Agro International" МЧК томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш лойиҳаси доирасида йилига 8 миллион шартли банка сабзавот консервлари ва жемлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона 2018 йилнинг учинчи чорағида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, 60 янги иш ўрни яратилади.

"Дармон шарбати" корхонаси томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш ва болалар таомлари ишлаб чиқариш, "Шарофат она Қаҳрамон кизи" агрофирмаси томонидан музлаткич омборхонаси қуриш лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Кейинги манзил Шаҳрисабз шаҳри бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб "Дор ут-тиловат" мажмуасини зиёрат қилди. Таомилга биноян ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

"Дор ут-тиловат" мажмуаси Қўқ гўмбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саййидон мақбаралари ва ҳужралардан иборат бўлиб, улар асосан XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. "Дор ут-тиловат" сўзи "Қуръон ўқиладиган ёки тиловат қилинадиган жой" маъносини англатади.

(Давоми 2-саҳифада)

ҒАЛАБА МУБОРАК, ЁШ ЧЕМПИОНЛАР!

Жорий йилнинг 9-27 январь кунлари Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси олтин медални қўлга киритди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида бўлиб ўтган голиб спортчиларимизни шарафлашга бағишланган маросимда Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, яқинлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган доимий эътибор бугун янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрлиши ва муносиб иштирок этиши, терма жамоаларни янги истеъдодлар билан бойитишда муҳим омил бўлаётди.

Ёш футболчиларимиз Осие чемпионатида эришган юксак ғалаба ҳам ана шундай улкан ислохотлар, эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижасидир.

Осие чемпионатида қитъамизнинг ўн олти давлатдан терма жамоалар голиблик учун баҳс олиб борди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари халқаро спорт жамоатчилигига ўз имкониятларини кўрсатди, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган не-не улуг зотларнинг муносиб ворислари, Ўзбекистондек буюк юртининг муносиб фарзандлари эканини исботлади.

Аслида бутун дунёда катта қизиқиш билан томоша қилинадиган миллионлар ўйини ҳисобланган футбол бўйича ҳар қандай нуфузли мусобақада юқори натижага эришиш осон эмас. Ўзбек футбол тарихида ҳам

бундай юқори натижалар ҳар йили ҳам қайд этилавермайди.

Ўзбекистон футболчилари 1994 йил Хиросимада ўтган Осие ўйинларида ва 2011 йил Эронда ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осие чемпионатида голибликни қўлга киритган эди.

Осие футбол конфедерацияси томонидан Хитойда ўтказилган Осие чемпионатининг кескин ва мурасасиз баҳсларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари шижоату матонатда, истеъдоду маҳоратда рақибларидан ҳар томонлама устун эканини исботлаб, ҳақиқ ғалабага эришди.

Футболчиларимиз "А" гуруҳидаги биринчи учрашуда қатарлик тендошларига имкониятни бой берган бўлса-да, кейинги баҳсларда Хитой ва Уммон ёшлар терма жамоаларини мағлубиятга учратди. Чорак финалда Япония ёшларини 4:0, ярим финалда Жанубий Корея вакиллари 4:1 ҳисобида енгди.

Мусобақанинг оғир об-ҳаво шароитида ўтган финал баҳсида футболчиларимиз Вьетнам ёшлар терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида зафар кучиб, Осие чемпиони бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси ярим ҳимоячиси Одижон Ҳамробеков ОФК томонидан мусобақанинг энг фойдали футболчиси, деб топилди. Унга "Toyota" компанияси томонидан 20 000 АҚШ доллари миқдорда мукофот берилди.

Ёш футболчиларимизнинг тарихий ғалабаси халқимизга улкан қувонч ва шодлик бахш этганини, уларнинг қалбида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдириб юборганини ҳис этиш қийин эмас. Бутун халқимиз бу ғалабани катта ҳаяжон ва хурсандчилик билан қарши олди.

Ёшлар ўртасидаги Осие чемпионатини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик, – дейди Акмалжон Мадавляев. – Очиғи, ушбу нуфузли мусобақада юксак муваффақиятга эришган футболчиларимизга жуда ҳавасим келди. Уларнинг оламшумул ғалабаси биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган

ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янги-янги марралар сари дадил қadam ташлашимизда кўтаринки руҳ бағишламоқда.

...Мана, орзиқиб қутилган дамлар – футболчиларимиз пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасига кириб келмоқда. Карнай-сурнай садолари ёшларнинг "Ўзбекистон!" деган такрор ва такрор ҳайқирғига уланиб кетади. Уларни ҳаяжон билан ота-оналари, яқинлари, тендошлари қизгин табриқламоқда. Қалбларимиздан чексиз гуруру ва ифтихорга йўрилган самимий дил изҳорларимиз, эзгу тилақларимиз беихтиёр тилимизга, кўзимизга кўчади: "Ғалаба муборак, ёш чемпионлар! Сизлар бутун дунёга Ўзбекистон ёшларининг юксак салоҳиятини намойиш қилдинглар!".

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бизни ғалабамиз билан табриқлаганидан қувониб, қалбимиз фахрга тўлди, – дейди ёш футболчи Рустамжон Ашурматов. – Президентимизнинг юксак эътиборини, самимий дил сўзларини ўқиб, кўзимизга ёш келди. Келгусида бундан-да улкан ғалабаларни қўлга киритишга бор куч-ғайратимиз билан ҳаракат қиламиз.

Эришилган ғалабага қўшилган ҳисса жамоамизнинг ҳар бир аъзосига фахрланмиш туйғуларини бағишламоқда, – дейди Забиҳилло Уринбоев. – Халқаро майдонлардаги ғалабаларимиз мамлакатимизда ёшларнинг футбол билан шуғулланиши, иқтисодини намойиш этиши учун яратилаётган кенг имкониятлар туйғуландир.

Осие чемпионатининг финал учрашувида ҳал қилувчи голни урганимдан, халқимиз ва терма жамоамизнинг ғалабасига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман, – дейди Андрей Сидоров. – Бу чемпионатда биз муваффақиятли иштирок этиб, ўзбек футболчилари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини яна бир қарра исботладик.

Терма жамоамиз аъзоларига Президентимиз совғаси – "Malibu" автомобиллари топширилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг раиси Қ.Қуронбоев иштирок этди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Наманган вилояти



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИГА «DAMAS» АВТОМОБИЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Шу муносабат билан Намангандаги "Уч фаввора" хиббониди ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва демократик ислохотлар жамият ҳаётида туб бурилиш ясаётгани таъкидланди. Жумладан, давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчил такомиллаштириб борилаётгани аҳолининг ҳаёт

сифати, инвестиция иқлими ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, иш ўринлари яратиш ва бизнесни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

2003 йилдан буён тадбиркорлик субъектларини "Ягона дарча" тамойили асосида бўйича рўйхатдан ўтказиш

шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузурдаги махсус инспекциялар томонидан амалга ошириб келинган бўлса, 2016 йилдан эътиборан мазкур инспекциялар тизимига тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари иш бошлади. Ўтган йили ушбу марказларнинг ҳокимликлар тузилмасидан Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши вертикал бошқарувни шакллантириш ва давлат хизматларини самарали ташкил этиш имконини берди. Натيجида Ягона марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

